



**МАВЗУ: “ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛЛАРНИ ТЕРГОВ
ЖАРАЁНЛАРИДА ҚЎЛЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ”**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**



“МАГИСТРАТУРА” ФАКУЛЬТЕТИ

“ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ВА СУРИШТИРУВ” КАФЕДРАСИ

“Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси

МАДАТОВ МАҲМУДЖОН МУХТОР ЎҒЛИ

**“ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛЛАРНИ ЙИҒИШ ВА УЛАРДАН ТЕРГОВ
ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ” мавзусидаги**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ бўйича
ИЛМИЙ МАҚОЛА**

Тайёрлади: Мадатов Маҳмуджон Мухтор ўғли

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси

магистратура факультети 2-босқич талабаси

Илмий раҳбар: Х.Турсунбеков

Тошкент-2025



“Электрон далилларни тергов жараёнларида қўллашнинг ҳуқуқий асослари”

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида электрон далил тушунчасига берилган таъриф, электрон маълумотлар тушунчаси, рақамли далил тушунчаси, электрон далилларни терговда фойдаланиш масалалари, электрон далилларни терговда қўллашнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Аннотация: В статье изложены сведения об определении понятия электронных доказательств в законодательстве Республики Узбекистан, понятии электронных данных, понятии цифровых доказательств, вопросах использования электронных доказательств в следственных действиях, а также правовых основах использования электронных доказательств в следственных действиях.

Annotation: This article provides information on the definition of electronic evidence in the legislation of the Republic of Uzbekistan, the concept of electronic data, the concept of digital evidence, issues of using electronic evidence in investigations, and the legal basis for using electronic evidence in investigations.

Калим сўзлар: Далил, электрон маълумотлар, электрон далил, рақамли далил, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси, электрон далилларни терговда қўллаш, модда.

Ключевые слова: Доказательства, электронные данные, электронные доказательства, цифровые доказательства, Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан, использование электронных доказательств в расследовании, статья.

Keywords: Evidence, electronic data, electronic evidence, digital evidence, Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, use of electronic evidence in investigation, article.



Электрон далилларни тергов жараёнларида қўллашнинг ҳуқуқий асослари

Жиноят иши юритишнинг энг муҳим вазифаларидан бири шуки, жиноят ишини юритувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья, аввало, жиноят иши бўйича ижтимоий хавфли қилмиш юзага келганлигини ёки юзага келмаганлигини аниқлаб, агарда ижтимоий хавфли қилмиш юзага келган бўлса, ўз ишини ҳолисона ва қонуний олиб бориб, мазкур қилмишда бевосита айбдор бўлган шахсни ёки шахсларгина жиноий жавобгарликка тортиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28, 29-моддаларида шахснинг жиноят ишини юритишдаги энг устувор ҳуқуқлари тўлиқ баён қилиниб, конституциявий ҳуқуқ даражасига кўтирилган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 28-моддасига кўра, “Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тутаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас”¹, деб белгиланди.

Шунингдек, Конституциямизнинг 29-моддасига кўра, “Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди”², деб қатъий белгиланди. Ушбу конституциявий нормага биноан, жиноят ишини юритувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья жиноят ишида гумон қилинаётган, айбланаётган ёки судланаётган шахснинг хатти-ҳаракатлари амалдаги қонунчилик ва жиноят-процессуал қонунчилиги асосида олинган далиллар билан қилмиши исботланганлигини қатъий ўрганиши ва ҳуқуқий баҳо бериши лозим.

Ҳозирда оммавий ахборот воситалари орқали турли хабарлар ва маълумотлар Интернет саҳифаларида электрон шаклда бутун дунёга ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, lex.uz Миллий қонунчилик базаси: <https://lex.uz/docs/6445145>.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, lex.uz Миллий қонунчилик базаси: <https://lex.uz/docs/6445145>.



жамоатчиликка тарқатилмоқда, шунингдек ахборот технологиялари соҳасидаги сўнгги ютуқлар эвазига ахборот технологиялари соҳасида ҳам турли ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилиб, уларнинг тури ва сони кундан кунга кўпайиб бормоқда.

Мазкур ижтимоий муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 21.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига электрон маълумотлар ва рақамли далиллар тушунчаси кириб келди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 81-моддасига кўра, “Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади”³, деб кўрсатилиб, электрон (рақамли) далилни тергов ҳаракатларида ҳуқуқий асоси яратилиб, қатъий белгилаб берилди. Шунга кўра, ўзига ўзгармас қатъий маълумотларни электрон (рақамли) тарзда ташувчи далиллар, ашёвий далиллар қаторидан чиқарилиб, алоҳида рақамли далиллар сифатида белгилаб берилди.

Қонунчилигимизна назар ташласак, жиноят ишини юритишда электрон (рақамли) далилларни кўпдан бери ишлатиб келганмиз, буни ҳуқуқий асоси

³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, lex.uz Миллий қонунчилик базаси: <https://lex.uz/docs/111460#253744>.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 203-моддаси ҳисобланади, яъни келиб чиқишини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиладиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса ⁴далил тариқасида қонуний тарзда фойдаланилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.08.2018 йилдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги №24-сонли Қарорининг 9-бандига кўра, “Далил у ЖПК талаблари бузилган тарзда, жумладан, қуйидаги ҳолларда олинган бўлса ҳам мақбул эмас деб топилади, агар рақамли (электрон) ташувчи жисмлардаги маълумотлар мутахассис иштирокисиз олиб қўйилган ёки кўздан кечирилган бўлса”⁵, деб белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, жиноят ишини юритувчи субъектлар томонидан жиноят ишини юритиш чоғида электрон (рақамли) далиллар ва маълумотлардан фойдаланган бўлсалар-да, яқингача ушбу турдаги далиллар алоҳида далил турига ажратилмаган эди.

Ўзбекистон Республикасининг 21.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни⁶ қабул қилиниши билан жиноят ишини тергов қилишда электрон (рақамли) далилларни қўллашнинг барча ҳуқуқий асослари тўлиқ белгилаб берилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 25-боби тубдан қайта кўрилиб, мазкур бобга “Нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни ашёвий, ёзма ва рақамли далил сифатида ишга қўшиб қўйиш”⁷ деб ном берилди. Шунга кўра, электрон маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ЖПК талаблари

⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, lex.uz Миллий қонунчилик базаси: <https://lex.uz/docs/111460#253744>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.08.2018 йилдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги №24-сонли Қарори, lex.uz қонунчилик базаси: <https://lex.uz/docs/3895986?ONDATE=24.08.2018>.

⁶ Lex.uz Миллий қонунчилик базаси.

⁷ Lex.uz Миллий қонунчилик базаси.



асосида текширилганидан сўнг, ишга бевосита алоқадорлиги тасдиқланса, ишни юритувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья мазкур турдаги маълумотларни иш бўйича жавобгарликка тортилаётган шахсни айбини тасдиқловчи рақамли далиллар (digital evidence⁸) сифатида эътироф этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иш бўйича аниқланган электрон маълумотларнинг рақамли далил сифатида эътироф этилишининг энг муҳим мажбурий шarti – бу ушбу турдаги маълумотларни олиб қўйиш ёки кўздан кечириш вақтида, албатта, ахборот технологиялари соҳасида етарли даражада билим ва малакага эга бўлган мутахассис ёки тегишли экспертнинг иштирок этиши ҳисобланади. Агарда терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья электрон маълумотларни олиб қўйиш ёки кўздан кечириш бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда мутахассис иштирокисиз олган тақдтирида, ушбу маълумотлар номақбул далиллар деб топилади⁹.

Қонунчилигимизга юзлансак, барча турдаги далиллар, жумладан электрон (рақамли) далиллар ҳам умумий олганда 2 та йўл билан олинади, яъни 1) терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ташаббуси ёки талаби (тергов ҳаракатлари натижасида) билан; 2) жиноят процессис иштирокчиларининг ўз ташаббуслари билан.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 205-моддасига кўра, “Рақамли далиллар сифатида фойдаланиладиган электрон маълумотлар ва бошқа ёзувлар ҳодиса содир бўлган жойни ёки бошқа жойларни, биноларни, шунингдек техника воситаларини, телекоммуникация тармоқларини ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғини кўздан кечириш чоғида, эксперт текшируви учун намуналар олиш, кўрсатувни ҳодиса юз берган жойда текшириш чоғида, олиб қўйиш, тинтув ёки эксперимент ўтказиш чоғида олиниши мумкин ёхуд улар ушбу Кодекснинг 198-202-моддаларида назарда тутилган тартибда

⁸ Инглиз тилидан “рақамли далил” деб таржима қилинади.

⁹ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95¹-моддаси // Lex.uz Миллий қонунчилик базаси.



терговга кадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахсига, суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга тақдим этилиши мумкин”¹⁰, деб белгиланган.

Шу сабабли, ишжтимой хавфли қилмиш юз берганлигини ёки юз бермаганлигини аниқлашга масъул бўлган органнинг мансабдор шахси электрон маълумотларни ҳолатда келиб чиқиб, ўз ташаббуслари билан дарҳол ушбу турдаги маълумотларни қайерда турганлигини ва шаклланганлигини аниқлаб, электрон маълумотларни ахборот технологиялари соҳасида етарли малакага эга бўлган мутахассис иштирокида кўздан кечириши, электрон маълумотларнинг сифатида ўзгармаса, ушбу маълумотларни электрон шаклдаги DVD, CD ва бошқа турдаги дисклар, шунингдек электрон ташувчи буюмларга нусха олиши лозим. Негаки, электрон маълумотларни қайта ишлаш ва уларга тегишлича ишлов бериш билан сифатини ўзгартириш имконсиз бўлиб, агарда жиноят процесси иштирокчилари электрон маълумотларга қайта ишлов бериш йўли билан тақдим этган бўлса-да, мазкур турдаги маълумотларни қайта ишланганлигини аниқлаш учун компьютер-техника экспертизаси тайинлаш йўли билан номақбул далил эканлигини исботлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, электрон маълумотлар ва рақамли далиллар тушунчаси ҳақида нормалар ЖПКнинг 204¹-204²-моддаларида белгиланган бўлиб, шунга кўра, электрон маълумотлар электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлардир.

Терговга кадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд тақдим этилган электрон маълумотларни мутахассис иштирокида қабул қилиб олади ҳамда электрон маълумотлар мавжуд бўлган бирламчи электрон жисмларни кўздан кечиради.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 205-моддаси // Lex.uz Миллий қонунчилик базаси.



Шунингдек, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлар, шу жумладан электрон тарздаги файллар, аудио-, видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган маълумотлар, шунингдек бошқа электрон маълумотлар рақамли далиллардир.

Рақамли далилдан кўчирма нусха олишга, башарти унинг яхлитлиги ва айнан ўхшашлиги сақланса, йўл қўйилади. Рақамли далилдан кўчирма нусха олишга йўл қўйилиши ўзидан мазкур кўчирма нусха олинган рақамли далилнинг асли мавжудлиги билан таъминланади.

Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бошқа шахслар рақамли далилларнинг кўчирма нусхаларини қоғозда чоп этилган шаклда тақдим этиш ҳуқуқига эга. Бунда рақамли далилнинг қоғоздаги шакли ёзма далил деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Терговга кадар текширув, суриштирув, тергов ва суд жараёнида тузилган процессуал баённомаларга илова қилинган, электрон маълумотлар тарзида шакллантирилган аудио-, видеоёзувлар ҳам рақамли далиллар ҳисобланади. Рақамли далилнинг кўчирма нусхаси иш материаллари билан бирга сақланади¹¹.

Мазкур нормаларни жиноят-процессуал қонунчилигимизда белгиланиши билан электрон (рақамли) далилларнинг ҳуқуқий мақоми ва таърифи, шунингдек уларнинг тергов жараёнларида фойдаланиш усуллари ва тартиби тўлиқ белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида далилларни, жумладан электрон далилларни тўплаш ЖПКнинг 87-моддасида келтирилган бўлиб, унга кўра, “Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: 1) гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; 2) юзлаштириш; 3) таниб олиш учун кўрсатиш; 4) кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; 5) олиб қўйиш; 6) тинтув; 7) кўздан кечириш; 8) гувоҳлантириш; 9) мурдани

¹¹ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 204¹-204²-моддалари // Lex.uz Миллий қонунчилик базаси.



эксгумация қилиш; 10) эксперимент ўтказиш; 11) экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; 12) экспертиза ва тафтиш тайинлаш; 13) тақдим этилган ашёларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни қабул қилиш; 15) телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, шунингдек 16) тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади”¹², деб белгиланган.

Ушбу 16 турдаги ҳаракатларидан олиб қўйиш ва кўздан кечириш тергов ҳаракатлари, олиб борилаётган объектига қараб, бир қанча турларга, яъни ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, мурдани кўздан кечириш, теваарак-атроф ва биноларни кўздан кечириш, нарс-буюм, ҳужжатлар ва электрон маълумотларни олиб қўйиш ҳамда кўздан кечириш, тақдим этилган электрон маълумотларни қабул қилиб олиш каби турларга бўлинади. Ушбу тергов ҳаракатларининг барчасида, албатта, ижтимоий хавфли қилмиш юз берганлиги ёки юз бермаганлигини исботлаш учун ишга алоқадор ҳужжатлар, жумладан электрон маълумотлар процессуал тартибда олиниб, иш ҳужжатларига қўшилади.

Юқорида кўрсатилган 16 турдаги тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали электрон (рақамли) далилларни тўплаш мумкин бўлади, агарда мазкур тергов ҳаракатлари вақтида электрон (рақамли) маълумотлар аниқланадиган бўлса, тергов ҳаракатига, албатта, ахборот технологиялари соҳасида етарлича малакага эга бўлган мутахассисни жалб қилиб, тергов ҳаракати баённомасини мутахассис иштирокида расмийлаштириш лозим. Бу келгусида олинган электрон (рақамли) далилларни жинойт иши бўйича объектив рақамли далил, деб эътироф этилиши учун асос бўлади.

Мазкур тергов ҳаракатлари исталган жинойт ишида гумон қилинаётган, айбланаётган ёки судланаётган шахсининг айбини исботлаш учун ўтказилиб, электрон маълумотларни олиб қўйиш ва кўздан кечириш тергов ҳаракатлари агарда, мазкур турдаги маълумотлар ишга бевосита боғлиқ бўлса, жинойтни

¹² Ўзбекистон Республикаси ЖПК 87-моддаси 1-қисми//Lex.uz Миллий қонунчилик базаси.



содир қилган шахсни айбини осонгина тасдиқлаш имкони бўлади, чунки электрон (рақамли) маълумотлар тегишлича процессуал тарзда олиб қўйилиб, кўздан кечирилиб, шунингдек компьютер-техника экспертизаси хулосаси билан тасдиқланиб, рақамли далиллар сифатида эътироф этилганда, ишда гумон қилинаётган, абйланаётган ёки судланаётган шахс ўзининг ижтимоий хавфли қилмишини инкор қилиш учун бирор бир объектив важ ёки сабаб топа олмайди.

Шу сабабли, ҳозирги кунда Интернет, ахборот технологиялари ва компьютер воситалари тезлик билан ривожланаётганлигини инобатга олиб, терговга қадар текширувни амалга оширадиган орган мансабдор шахси ҳамда жиноят ишини юритишга масъул бўлган органлар мансабдор шахслари ижтимоий хавфли қилмиш содир бўлганлигини ёки бўлмаганлигини, шунингдек ижтимоий хавфли қилмишга алоқадор шахсларни объектив далиллар билан аниқлашда электрон маълумотлар, электрон шаклдаги овозли ёзувлар, видеотасвирлар, ахборот технологиялари қурилмалари, компьютер воситалари, оммавий ахборот воситалари, Интернет саҳифалари ва сайтлардаги маълумотларни ҳар томонлама тўлиқ, холисона ва қонуний тўплаши, текшириш ва тегишли тартибда баҳо бериши лозим.

Бунда, терговга қадар текширувни амалга оширадиган орган мансабдор шахси ҳамда жиноят ишини юритишга масъул бўлган органлар мансабдор шахслари электрон (рақамли) маълумотларни ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тўпланган бошқа электрон маълумотларни қандай манбалар орқали олинганлигини, уларга қайта ишлов берилганлиги ёки йўқлигини, электрон (рақамли) маълумотнинг қачон шакллантирилганлигини, ички хусусиятларини ва бошқа ишга алоқадор ҳолатларини аниқлаш учун компьютер-техника экспертизаси тайинлаши ҳамда экспертиза тадқиқоти хулосаси, шунингдек кўздан кечириш тергов ҳаракатлари ва бошқа тергов ҳаракатлари натижалари билан биргаликда баҳо берган ҳолда электрон маълумотларни рақамли далил сифатида ишга қўшиши лозим.



Замонавийлашиб бораётган ахборот технологиялари асрида жиноят қилувчилар ўзларининг жиноий хатти-ҳаракатларини ҳар томонлама яширишмоқда, бу эса бевосита терговга қадар текширувни амалга оширадиган орган мансабдор шахси ҳамда жиноят ишини юритишга масъул бўлган органлар мансабдор шахслардан ахборот технологиялари соҳасини ҳар томонлама ўрганиш ва содир этилаётган исталган жиноятни тўлиқ очишда электрон (рақамли) маълумотлар билан кенг қўламда ишлашни тақозо қилмоқда.

Шу сабабли, ахборот технологиялари ёрдамида содир қилинаётган жиноятларни, шунингдек исталган жиноят ишлари бўйича шахсларнинг жиноий қилмишларини очишда электрон (рақамли) маълумотларни тўплаш, уларни текшириб, ҳуқуқий баҳо беришда компьютер-техника экспертизасининг ўрни беқиёс.

Шуни айтиш лозимки, ҳозирги кунда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулацмонова номидаги Республика суд экспертиза маркази, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Экспертиза криминалистика маркази (Киберхавфсизлик бўлими), Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизматининг 10002 ҳарбий қисми, Ўзбекистон Республикаси Ахборот коммуникациялари вазирлигининг Электрон технологияларни ривожлантириш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти каби экспертиза муассасаларида жиноят ишлари бўйича электрон (рақамли) маълумотлар билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш мақсадида компьютер-техника экспертизаси ўтказилмоқда. Мазкур экспертиза муассасалари жиноят ишлари бўйича электрон (рақамли) маълумотлар билан боғлиқ ҳолатларга тўлиқ аниқлик киритишда ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшмоқда.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда, электрон маълумотлар ва рақамли далилларни олиш, қўздан кечириш, уларни тергов жараёнларида фойдаланиш, текшириш орқали рақамли далил деб эътироф этиш ва сақлаш масалалари тегишича белгилаб берилди.



Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 208-моддасига кўра, “Ашёвий, ёзма ва рақамли далилларни сақлаш, шунингдек ушбу далилларнинг экспертизага юборилганлиги ёки жиноят иши бошқа терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органига, прокурорга ёхуд судга ўтказилганлиги муносабати билан уларни бошқа жойга юбориш чоғида ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар йўқолишининг, шикастланишининг, бузилишининг, бир-бирига қўшилиб ёки аралашиб кетишининг олдини олиш чоралари кўрилиши керак. Ишни ўтказишда у билан бирга юборилаётган ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар илова хатда ёки унга илова қилинаётган рўйхатда санаб ўтилади. Бундан ташқари айблов хулосасига ёки айблов далолатномасига илова қилинган маълумотномада ишдаги мавжуд барча ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар ҳар бирининг қаерда эканлиги кўрсатилган ҳолда бирма-бир санаб ўтилган бўлиши керак”¹³, деб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар: 1) ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; 2) давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкин¹⁴.

Шунга кўра, жиноят ишини юритаётган органнинг мансабдор шахси ишни юритиш чоғида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ҳамда унинг ҳимоячисининг иш бўйича далилларни тўплаш бўйича берган тушунтиришлари, кўрсатувлари ва илтимосларини ҳам ҳар томонлама ўрганиб,

¹³ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 208-моддаси // Lex.uz Миллий қонунчилик базаси.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси ЖПК 87-моддаси 2-қисми // Lex.uz Миллий қонунчилик базаси.



уларни ҳам тегишли тартибда текшириши лозим бўлади. Бу келгусида жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашда ўз хизматини кўрсатади.

Хуллас, жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 87-моддасида кўрсатилган 16 та тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали электрон (рақамли) маълумотларни тегили тартибда мутахассис иштирокида олиб қўйиши, кўздан кечириши ва иш ҳужжатларига қўшиши лозим.

Зеро, электрон (рақамли) маълумотларнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан ўзгартириш ва қайта ишлаш мумкин эмаслигини инобатга олиб, мазкур турдаги маълумотлар жиноят ишини тўлиқ очиш учун энг объектив далил ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами. Биринчи жилд. – Тошкент. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023;
3. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. //Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2016;
4. Ўзбекистон Республикасининг 21.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/7228758>;
5. Digital evidence and computer crime by Eoghan Casey. Published by Elsevier Inc. 2011;
6. International Journal of Digital Evidence, Spring 2002 Volume 1, Issue 1: <https://www.utica.edu/academic/institutes/ecii/publications/articles/9C4E695B-0B78-1059-3432402909E27BB4.pdf>;
7. Криминалистика, дарслик. Муаллифлар жамоаси - Тошкент: ДТЮУ;
8. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами. Биринчи жилд. – Тошкент. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023;



9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.08.2018 йилдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги №24-сонли Қарори, lex.uz қонунчилик базаси: <https://lex.uz/docs/3895986?ONDATE=24.08.2018>;
10. Lex.uz;
11. Proacademy.uz Интернет саҳифалари.